

1-мавзу. Кириш. Фаннинг мазмуни ва бозорлар

- 1. Микро ва макроиқтисодиёт: бир-биридан нимаси билан фарқланади?**
- 2. Иқтисодий агентлар, чекланган ресурсларни тақсимлашнинг бозор механизми. Бозор ва унинг вазифаси.**
- 3. Иқтисодиёт олдида турган фундаментал саволлар: НИМА?, ҚАНДАЙ?, КИМ УЧУН?**
- 4. Позитив ва норматив таҳлил.**
- 5. Ишлаб чиқариш имкониятлари.**

*Маъruzachi: и.ф.д., проф.
Ш. Мустафакулов*

Маъруза машғулотлари режаси

№	Мавзулар	Соатлар хажми
1.	Кириш: фаннинг мазмуни ва бозорлар <ol style="list-style-type: none">Микроиктисодиётнинг қўлланилиш соҳалари.Позитив ва норматив таҳлилларБозор ва унинг вазифаси.Чекланган ресурсларни тақсимлашнинг бозор механизми. Реал ва номинал нархлар.	4
2.	Талаб ва таклиф таҳлили асослари <ol style="list-style-type: none">Талаб, талаб чизиги ва унга таъсир қилувчи омиллар.Талаб функцияси ва талаб қонуни.Таклиф, таклиф чизиги ва унга таъсир қилувчи омиллар.Таклиф функцияси ва таклиф қонуни.	4
3.	Бозор мувозанати, максимал ва минимал нархлар <ol style="list-style-type: none">Бозор мувозанати ва мувозанат нарх.Бозор мувозанатига таъсир қилувчи омиллар.Максимал ва минимал нархлар, «қора бозор»нинг вужудга келиши.Истемолчи ва ишлаб чиқарувчи ютуғи.	4
4.	Талаб ва таклиф эластиклиги <ol style="list-style-type: none">Эластиклик ва унинг турлари.Даромадга кўра талаб эластиклиги ва кесишган талаб эластиклиги.Талаб эластиклигига кўра сотувчи даромадини максималлаштириш.Солиқ юкини истемолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тақсимланишининг эластиклик назариясига кўра таҳлили.	4

Маъруза машғулотлари режаси

№	Мавзулар	Соатлар ҳажми
5.	<p>Истеъмолчи хулқ-атвори</p> <p>1.Нафлик назариясининг асосий қоидалари. 2.Нафлик функцияси, умумий нафлик ва чекли нафлик. 3.Бефарқлик чизиги ва неъматларни чекли алмаштириш нормаси. 4.Бюджет чизиги ва бюджет чегараси. 5.Истеъмолчи танлови масаласи, унинг графикдаги талиқини. 6.Истеъмолчининг мувозанатлик шарти.</p>	4
6.	<p>Даромад самараси ва алмаштириш самараси</p> <p>1.«Даромад-истеъмол» чизиги ва унинг таҳлили. 2.«Нарх-истеъмол» чизиги ва унинг таҳлили. 3.Нормал ва паст котегорияли товарлар учун даромад ва алмаштириш самараси. 4.Ўрнини босувчи ва тўлдирувчи товарлар.</p>	4
7.	<p>Ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш ва танлаш</p> <p>1.Бозор иқтисодиёти шароитида таваккалчилик ва унинг вужудга келиши. 2.Таваккалчиликни ўлчаш усуллари. 3.Таваккалчиликка бўлган муносабат. 4.Таваккалчиликни пасайтириш йўллари.</p>	4
8.	<p>Ишлаб чиқариш назарияси</p> <p>1.Ишлаб чиқариш омиллари. 2.Ишлаб чиқариш функциялари ва улардан фойдаланиш. 3.Изокванта ва ишлаб чиқариш омилларини чекли технологик алмаштириш нормаси. 4.Изокоста ва ишлаб чиқариш харажатларини минималаштирувчи омиллар сарфини аниқлаш.</p>	4

Маъруза машғулотлари режаси

№	Мавзулар	Соатлар ҳажми
9.	<p>Ишлаб чиқариш харажатлари</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Корхонанинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли оралиқдаги фаолияти. 2. Умумий, ўзгармас, ўзгарувчан ва чекли харажатлар. 3. Ўртacha харажатлар ва уларнинг график кўриниши. 4. Масштаб самараси. 	4
10.	<p>Қисқа муддатли оралиқда рақобатлашган фирма фойдасини максималлаштириш ва унинг таклифи</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Рақобатлашган бозор ва унинг шартлари. 2. Фирма даромадлари ва уларни ҳисоблаш. 3. Корхона фойдасини максималлаштириш шартлари ва унинг графикдаги таҳлили. 4. Рақобатлашувчи фирманинг қисқа муддатли оралиқдаги йўқотишлари. 5. Рақобатлашувчи фирманинг қисқа муддатли оралиқдаги таклифи. 6. Фирма зарарини минималлаштирувчи ҳол. 	4
11.	<p>Рақобатлашувчи фирма ва тармоқнинг узоқ муддатли оралиқдаги мувозанати, тармоқнинг таклифи</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўртacha узоқ муддатли харажат ва унинг хусусияти. 2. Узоқ муддатли оралиқда роқобатлашувчи фирма ва тармоқнинг мувозанат ҳолатини аниқлаш. 3. Тармоқнинг узоқ муддатли оралиқдаги таклифи. 4. Тармоқнинг кенгайиш механизми. 5. Ишлаб чиқариш масштаби ва фирманинг самарали размери. 	4
12.	<p>Бозор ҳокимияти: соф монополия ва рақобатлашган монополия</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Рақобат тушунчаси ва рақобатлашмаган бозорлар. 2. Монополия, соф монополия, монопол маҳсулот ҳажми ва нархни аниқлаш. 3. Рақотлашган монополияда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархини белгилаш. 4. Монополистик бозор самародорлиги. 	4

Маъруза машғулотлари режаси

№	Мавзулар	Соатлар хажми
13.	Олигополия 1.Олигополия бозори ва унинг хусусиятлари. 2.Олигополия бозори шароитида нарх белгилаш. 3.Курно модели ва Курно мувозанати. 4.Штакелберг ва Берtrand моделлари.	4
14.	Бозор ҳокимияти шароитида нарх белгилаш тамойиллари 1.Истеъмолчи ортиқчалигини эгаллаш. 2.Истеъмолчи даромодига кўра нарх белгилаш. 3.Истеъмол хажмига кўра нарх белгилаш. 4.Товарлар категориясига кўра нарх белгилаш.	4
15.	Меҳнат бозори ва корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш 1.Меҳнат муносабатлари ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари. 2.Иш хақи. 3.Меҳнат бозори, меҳнат таклифи ва меҳнатга бўлган талаб. 4.Рақобатлашган, монополистик ва монопсоник меҳнат бозорлари.	4
16.	Инвестициялар ва капитал бозори 1.Асосий ва айланма капитал. 2.Жорий қиймат, соф жорий қиймат. 3.Фирмаларнинг истиқболдаги даромадларини баҳолаш. 4.Дисконтиранган қиймат асосида лойиҳаларни баҳолаш ва инфляциянинг таъсири.	4
17.	Корхоналар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш 1.Бозор мувозанатининг бузилиш оқибатлари. 2.Ташқи самара ва харажатлар. 3.Давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати. 4.Иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши ва унинг зарурияти. 5.Аҳоли даромадлари дифференциацияси.	4
Жами		68

Фанни ўзлаштириш ва мустақил ўқиб-ўрганиш учун асосий адабиётлар рўйхати

1. Microeconomics 21st Edition, Campbell McConnell, Stanley Brue, Sean Flynn Mcgraw-hill Series: Economics. 2017. 672 Pages.
2. Microeconomics: Theory and Applications, 13th Edition, Edgar K.Browning, Mark A. Zupan. 2020, 592 Pages.
3. Daron Acemoglu, David Laibson, John A. List. Microeconomics, Global Edition. Pearson Education Limited, 2nd edition. 2019.
4. Самуэльсон П.Э, Нордхаус В.Д. Экономика, 18-е издание: Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. – 1360 с.
5. Пиндейк Р., Д. Рубинфельд. Микроэкономика. 5-е международное изд. – СПб.: Питер, 2003. – 350 с.
6. Salimov B.T., Muxitdinova U.S., Mustafakulov Sh.I., Salimov B.B. Mikroiqtisodiyot: Darslik-T.: Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2009.-208 b.

Иқтисодиётнинг икки йирик соҳага бўлиниши


1

МИКРОИҚТИСОДИЁТ (иқтисодиётнинг бир бўлаги бўлиб, аниқ товарнинг нархи, фирмага ёлланган ишчи кучи, фирманинг ёки уй хўжалигининг даромади, харажати, фойдаси ва ҳ.к.)

2

МАКРОИҚТИСОДИЁТ (агрегат кўрсаткичлар: ялпи ишлаб чиқариш, банлик даражаси, ялпи даромад, ялпи харажат ва нархлар даражаси)

Иқтисодий даврлар түртта босқични үз ичиға олади: «чўққи», пасайиш (рецессия), пасайишнинг куйи нұқтасидаги турғунлик, кўтарилиш босқичи.



Билмаслиқдан қўрқма, сохта билимдан қўрқ.
Дунёдаги ҳамма ёмонлик шундан.
Л.Н. Толстой

Иқтисодий ўсишнинг мазмуни

- ❖ Мамлакатда ялпи реал ишлаб чиқаришнинг ўсиши;
- ❖ Жон бошига тўғри келадиган реал даромаднинг ўсиши;
- ❖ Иқтисодиётда битта банд кишига (битта банд аҳолига) тўғри келадиган даромаднинг ўсиши



С. Кузнец
30.04.1901
09.07.1985

С.Кузнец 1971 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган. Иқтисодий ўсишнинг сабаб ва омилларини ёритиб берган.

Барча ривожланган мамлакатларга хос бўлган иқтисодий ўсишнинг олтида тавсифини келтирган:

1. Жон бошига тўғри келадиган даромад ва аҳолининг юқори суръатлар билан ўсиши;
2. Ишлаб чиқариш омилларининг юқори суръатлар билан ўсиши, айниқса меҳнат омилининг;
3. Иқтисодиётнинг юқори суръатар билан таркибий трансформацияси;
4. Жамиятнинг юқори суръатлар билан ижтимоий ва психологик трансформацияси;
5. Ривожланган давлатларнинг хориждан ташқи бозор ва арzon хом ашё ресурсларини топа олиш имконияти;
6. Иқтисодий ўсиш суръатларининг бундай натижалари билан дунё аҳолисининг учдан бир қисмининг (1/3) қамраб олиниши.

**Миллий
маҳсулотнинг
ўсиши**



**Техника
тараққиёти**



**Институционал ва
ѓоявий ўзгаришлар**

Иқтисодий ўсиш

Ҳаёт ҳаракатни тақозо этади. *Арасту*

Иқтисодий муносабатларда иштирок этувчи асосий субъектлар/агентлар

1. Уй хўжаликлари/истеъмолчилар

2. Номолиявий ташкилотлар

3. Молиявий ташкилотлар

4. Давлат/хукумат

5. Ташқи дунё

Реал сектор билан бошқа секторларнинг ўзаро алоқаси



Микроиқтисодиёт ва бозор



Бозор – бу сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича эркин муносабатлар тизимири.

Бозор – бу биринчидан, сотувчилар ва харидорларни учраштириб турадиган жой; улар ўртасида келишилган нарх бўйича товар алмашуви содир бўлади.



Бозорда сотишни амалга ошириш учун маълум харажатлар қилинади ва бу харажатлар бозор тўғрисида ахборот олиш, шартномалар тузиш, учрашувлар ўтказиши, сотиб олинадиган товар ёки хизматнинг миқдорий ва сифат характеристикаларини аниқлаш ва бошқа турдаги харажатлар билан боғлик.

Уйланиш ҳуқуқларнинг ярмини камайтириш, мажбуриятларни эса икки баравар ошириш демакдир.

Артур Шопенгауэр

Ноёб неъматларни тақсимлашнинг бозор механизми

Неъматлар ноёблиги деганда - иқтисодий субъектлардаги мавжуд неъматлар заҳирасининг шу неъматларга эҳтиёж сезган харидорларнинг талабларини **етарли даражада қондира олмаслиги тушунилади.**



Агар неъмат ноёб бўладиган бўлса, у ҳолда чекланган неъматларни қандай қилиб иқтисодий субъектлар ўртасида рационал тақсимлашни амалга ошириш муаммоси - бу марказий иқтисодий муаммо ҳисобланади.

Бу муаммони ечиш учун ҳар қандай жамият қуидаги иқтисодий саволларга жавоб бериши керак:

1

Нима ишлаб чиқариш керак?

2

Қандай қилиб ишлаб чиқариш керак?

3

Ишлаб чиқарилган неъматни ким олади?

4

Жорий ва келажак эҳтиёж учун ресурсларни қанчасини сарфлаш лозим ва қанчасини сақлаш лозим?

Эй, мақтанчоқ ва ўзбилармон одамзод!

Лоақал оёғинг остида топталувчи оддий чувалчангни яратиб кўр-чи! **Лабрюйер**

Альтернатив харажатлар

Альтернатив харажатлар – ресурслардан энг самарали фойдаланишдан воз кечиш натижасида йўқотилган имкониятлар билан боғлик харажатлар.

Альтернатив харажатлар – иқтисодий танлов натижасида энг яхши альтернатив вариантдан олинадиган фойдадан воз кечишни акс эттирувчи харажатлардир.

Альтернатив харажатлар ёрдамида ноёб ресурслардан фойдаланиш йўналишлари бўйича энг яхши (оптимал) тақсимлаш масаласи - муайян вариант тақсимланишдан олинадиган фойда ва харажатларни бошқа вариантлар бўйича олинадиган фойда ва харажатлар билан солишириш орқали ечилади.

Хеч бир одам мукаммал, яъни тўла шаклланган ҳолда дунёга келмайди, аммо унинг бутун ҳаёти бетиним ҳаракатдаги ўсиш ва доимий шаклланишдан иборатдир. **В.Белинский**

ишлиб чиқарувчилар
фаолиятини (**ким қайси**
маҳсулотдан қанча
ишлиб чиқаради)
мувофиқлаштириш

истеъмолчилар фаолиятини
(**ким, қайси маҳсулотдан,**
қанча истеъмол қиласди)
мувофиқлаштириш

ишлиб чиқариш ва
истеъмол қилиш бўйича
қабул қилинган
қарорларни
мувофиқлаштириш

Жамиятда вужудга келадиган
яна бир муаммо - бу
истеъмолчилар ва ишлиб
чиқарувчилар фаолиятини
мувофиқлаштиришdir

Энг узоқ умрнинг энг қисқа умрдан сира фарқи йўқ. Хеч ким ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам ажрала олмайди.

Марк Аврелий

Товарлар айланмаси модели




Позитив иқтисодиёт далилларнинг
констатацияси билан шуғулланади.

“Нима мавжуд”

Норматив иқтисодиёт солиштириш орқали
бахо бериш, мулоҳаза қилиш имконини
яратади.



“Нима ёки қандай бўлиши керак”

Ишлаб чиқарып имкониятлари чизиги




Үз бурчини бажаришдан мамнун одамгина эркин яшайды. **Цеңерон**

Ишлаб чиқариш имкониятлари чизигининг ўзгариши



Муваффакият нарвонига чиқищдан олдин у тўғри бинога тиралганига ишонч хосил қилинг. **Стивент Кови**

Оиланинг ишлаб чиқариш имкониятлари комбинацияси



$$ЧТК = -\frac{\Delta C}{\Delta B} = -2$$

Чекли трансформация коэффициенти

Оила бир товардан қўшимча бир бирлик ишлаб чиқариш учун иккинчи товардан қанча ҳажмда ишлаб чиқаришдан воз кечиши кераклигини билдиради.

Демак, оила **10** литр вино ишлаб чиқаришга сарфлайдиган бир иш кунини сават тўқишишга сарфласа, у **20** дона ортиқча сават ишлаб чиқариган бўлади.

Жамоавий капитал, ИТТ ва жамоавий ташкилотлар

Инсон
тарақкиёти

Ижтимоий тақрор и/ч

Имкониятлар
Ишчилар, фермерлар,
тадбиркорлар, бошқарувчилар

Ижтимоий устувор соҳаларга
харажатлар

бандлик
И/ч, ИТТРИ ва
технология
Ишлар чиқариш
структураси ва
экспорт

Давлат сиёсати ва
харажатлари

Уй хўжаликлари томонидан
кундалик эҳтиёж учун
харажатлар

Уй хўжаликларнинг
фаолияти ва харажатлари

Ташкил этиш ва
бошқарув

Хусусий давлат ресурсларининг
тақсимланиши

бандлик

Хорижий
жамғармалар

Иқтисодий ўсиш

Миллий жамғарма

Жисмоний капитал

Уйга вазифа

Иккита орол бўлиб, уларнинг бири робинзонлар ороли, иккинчиси хиндулар ороли. Иккита орол ҳам гўшт ва буғдой ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Робинзонлар оролида бир ишчи бир йилда **1 тонна гўшт ёки 20 центнер** буғдой ишлаб чиқаради.

Хиндулар оролида эса бир ишчи **2 тонна гўшт ёки 10 центнер** буғдой ишлаб чиқаради. Робинзонлар оролида **400 киши**, хиндулар оролида **100 киши** маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Берилган шартдан фойдаланиб, қуидаги топшириқлар бажарилсин:

1. Оролларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари чизиги чизилсин.
2. Гўштнинг ва буғдойнинг алътернатив харажатлари ҳисоблансин.
3. Икки орол ҳамкорликда ишлашга қарор қилишди. У ҳолда, меҳнат тақсимоти натижасида уларнинг биргаликдаги ишлаб чиқариш имкониятлари чизиги қандай кўринишда бўлади; қайси орол қанча гўшт ва буғдой ишлаб чиқаради?

**Эътиборларингиз
учун раҳмат!**